Ўқувчи ёшлар онгида медиамаданиятни шакллантириш омиллари.

соц.ф.номзоди Н.Ю.Ибрагимова

Шахснинг ва маданиятнинг ўзгариши ёш авлоднинг жиддий муаммоларга дуч келишига сабаб бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар асосан оммавий ахборот технологиялари воситаларининг таъсири остида цивилизациянинг тараққий этиши билан боғлиқ ҳолда содир бўлмоқда.

Канадалик философ олим Маршалл Маклюэн[1]нинг ажойиб кузатишига кўра, коммуникация воситалари инсониятга ва жамиятга ўз-ўзидан таъсир кўрсатади. Шунинг учун коммуникацион технологиялар мактаб ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотади[2].

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва ўқитувчилари ўртасида олиб борилган кузатувлар бўйича медиа ахборотдан фойдаланишга бўлган қизиқиш юқори даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Албатта, бу яхши натижа. Кузатувлар натижасига кўра, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида бир хил хулосага келиш мумкин, яъни медиа маданиятни шакллантириш зарур.

Таъкидлаш жоизки, кўпгина медиа воситалар реклама маҳсулотларини намойиш этувчи сифатида кўрамиз. Бундай пайтда медиатаълим тизимида комплекс ўрганувчи долзарб муаммо вужудга келади.

«Медиа таълим» - педагогикада ҳар хил талқин берилади. Умуман олганда, педагогика фани доирасида замонавий ахборот воситалари орқали олинган назарий билимларини амалиётда қўлашга йўналтирувчи фан эканлиги барчага маълум.

Л.С.Зазнобинанинг таъкидлашича, интеграциялашган медиа таълим ўқувчиларнинг ахборотларни қабул қилишида медиа таълим тизими фаолиятини системалаштириш ва шакллантириш зарур. Оммавий

[1] Маклюэн М. Понимание Медиа: внешнее расширение человека. М.. 2003.

[2] Гудилина С.И. Медиаобразование: грамотность и зрительская культура: Образовательные технологии XXI века. ОТ'11. материалы XI городской научно-практической конференции / под ред. Гудилиной С.И., Тихомировой К.М., Рудаковой Д.Т., Васильевой Н.И., - М., 2011. – С. 14-19.

ахборотларга бой маконда ўқувчи ёшларни тўғри тарбиялаш лозим. Кўпгина олимлар фикрига кўра, медиа маданиятни шакллантириш учун аввало умумтаълим мактабларида медиатаълимни жорий этишга асосий курс очиш зарур деб ҳисоблайди[3].

Бизнинг фикримизча, медиа маданиятни шакллантириш учун асосий курс ташкил этиш шарт эмас. Ўқувчилар онгида медиа маданият таълим тизимидаги фанлар ичида шаклланиб боради. Фақат бунда ўқувчиларга билим бераётган ўқитувчилар уларни тўғри йўналтира олиши шарт.

Медиа таълимнинг асосий вазифаларидан бири қўшимча таълим усули эканлигига эътибор қаратиши лозим. Ўқувчиларга медиа таълим тизимида комплекс ахборот бериб борганимизда уларнинг медиа саводхонлигини таъминлаш зарурлиги ҳақида таъкидлаб борилади.

Медиа саводхонлик аввало, ўқувчининг ёзиш ва ўқишдаги грамматик, стилистик, публицистик, синтактик ва бошқа билимларини чуқур эгаллаш натижасида вужудга келади. Шунингдек, ҳар бир фан ўқитувчиси ўз дарсларини коммуникатив технологиялардан тўғри фойдалана билиши зарур.

Ўтказилган социологик тадқиқотлар асосида кўпгина ўқитувчилар «Медиа таълим технологиялари ва янги таълим шаклларига йўналтирилган таълимда интернет тармоғидан кенг фойдалана олиш зарур» деб қарайди. Интернет тармоғи барча имкониятлардан кенг фойдаланувчи ва маълумот етказиб берувчи тижорат маскани эканлигини эътиборга олиб, ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ундан кенг фойдаланлади.

Бизнинг фикримизча, ўқувчи ёшлар онгида медиа маданиятни шакллантириш учун, аввало умумтаълим мактаблар ўқувчилари ўртасида медиа фестиваллар, медиа конкурслар ўтказиб бориш зарур деб ўйлаймиз. Масалан, Бизнинг мактаб, Биз дунё эшигини очмоқдамиз, Бизнинг мактаб

[3] Зазнобина Л.С. Стандарт медиаобразования, интегрированного с различными школьными дисциплинами // Стандарты и мониторинг в образовании. 1998. N 3. С.26-34.

ҳаёти, Тарихий хотиралар, Соғлом турмуш тарзи, Буюк аждодларимиз сиймоси, XXI асрнинг муаммолари ва ечимлари мавзусида ўтказиладиган тадбирлар орқали ўқувчилар ўзларининг медиа саводхонлигини намойиш эта оладилар.

Ўқувчи ёшлар онгида медиа маданиятни тўғри шакллантириш долзарб муаммолардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Келажак авлод медиа маданиятга ўзининг ижобий ва самарали фикрлаши орқали жамиятнинг турли соҳаларида ижтимоийлашув ва жамоавийлашувига имкон беради. Замонавий таълим тизимида ўкувчи ёшлар ўзларининг тарбиявий омиллари асосий ўринни эгаллаган бўлиб, интелектуал ва ички дунёсини намойиш этиш орқали медиа маданиятини шакллантиради. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида намойиш этилаётган ахборотлар орқали ҳам ўқувчи ёшлар жамоавийлашувда ва дўстлар даврасида бир-бирини тушуниш, бир-бирига ўзаро дўстона муносабатларни ҳам шакллантиради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ўқувчи ёшлар онгида медиа маданиятни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада ошириш керак:

1. Оммавий ахборот воситалари орқали ўқувчи ёшларнинг диққати, хотирасида чуқур из қолдира оладиган, фикрлаш даражаси кенгайтирадиган тарбиявий кўрсатувларни намойиш этиш;

2. Кўрсатувлар орқали уларнинг ўзини-ўзи таҳлил эта олиши ва ўзига-ўзи баҳо бера олиш қобилиятларини шакллантириш

3. Ўзининг шахсий фикрларини муҳофаза қила олиш;

4. Жамоада ўзаро муносабат омилларини шакллантира олиш зарур.